

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган


2008 йил 26 сентябрь – 2 октябрь № 38 (606)

Жума кунлари чиқади

Меҳрингиз қалб кўри садоқат ила,
Зарварақ ҳаётдан бердингиз таълим.

Илму зиё нурин сочган ўзингиз,
Сизга минг бор таъзим, устоз-муаллим.

ДАВР ТАЛАБИГА МОС РУҲДА



СУРАТЛАРДА: замон талаблари даражасидаги тиббиёт коллежларининг кўриниши. Педагог-ўқитувчиларнинг ёшларга бераётган таълим-тарбияси бой маънавий хазинадир.

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг амалдаги ифодаси таълим тизимини янги босқичга кўтариб, давр талабига мос кадрлар тайёрлаш масъулиятини кучайтирмоқда. Дарҳақиқат, мактаб таълимидан бошлаб, илмий тадқиқот даражасигача бўлган узлуксиз таълимни ўз ичига олган мазкур дастур ёш мутахассисларни чуқурроқ изланиш, демократик жамият куришидаги фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг соҳа ривожидagi янгиликларини амалиётга татбиқ этиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу боис, ҳар томонлама етук, иқтидорли, юксак салоҳиятга эга, илмга чанқоқ ёшларни тарбиялаш, улар сафини кенгайтириш ва педагог-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш баробарида маънавий-моддий қўллаб-қувватлаш ишлари давлатимиз томонидан доимий эътиборда бўлиб келаётганлиги ҳеч бимизга сир эмас. Айтиш жо-

изки, илм-фан ривожини такомиллаштириш ҳамда юксалтиришда малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб боради. Шундай экан, ёшларнинг истиқболли келахак сари интилишлари, изланишлари ва билим олишлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилган. Айниқса, мактаб, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрлари, шунингдек, мактабгача таълим му-

ассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги, замонавий ўқитиш технологиялари ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги ҳам изланувчан ёшларнинг эртаси порлоқ эканлигидан далolatдир.

Эътироф этиш жоизки, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг меҳнатлари беқийсдир. Зеро, уларнинг ёшларга берган таълим-тарбияси жамият равнақи янада юксалишида ҳамда юртимизнинг ҳаюн ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида асосий пойдевор бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз устоз ва мураббийларни касбий байрамлари билан самимий кутлаймиз.

Семинар-тренинг

Ҳамширалар фаолиятида касбий таълимни ривожлантириш, узлуксиз малака оширишни кучайтириш, ҳамширалик иши жараёнида амалий кўникмаларни татбиқ этиш ва тажриба қўламини кенгайтириш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш», Тиббий таълимни ривожлантириш маркази, USAID/ЗдравПлюс лойиҳалари томонидан кўпгина истиқболли таълим дастурлари ишлаб чиқилиб, жаҳон стандартларига мос ҳолда ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда. Ана шундай мақсадли дастур доирасида жорий йилнинг 22-26 сентябрь кунлари Ўзбекистон касаб-а уюшмаларининг ўқув марказида «Бирламчи тиббий санитария тизимидаги ҳамширалар ишининг асосий кўникмалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — АМАЛИЙ КЎНИКМАНИНГ АСОСИ



Семинар-тренинг асосан бирламчи тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамшираларнинг узлуксиз малакасини оширишга қаратилган бўлиб, машғулотлар халқаро стандартлар асосида тайёрланган ўқув қўлланмалари, тарқатма материаллар ва хорижлик мутахассислар томонидан тайёрланган маҳаллий тренера-иштирокида олиб борилди. Ташкилотчилар томонидан тузилган махсус ўқув дастурида ҳамширалик ишининг асосий босқичлари, назарий маълумот ва янгиликлар борасидаги касбий кўникмаларни амалиётга қўллашни ўргатиш қоидалари содда ва осон тилда, машқлар, тестлар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Дарсимизнинг биринчи кунинда иштирокчиларнинг назарий билимлари синовдан ўтказилди. Унга кўра қатнашчилар 27 % кўрсаткичга эга бўлишди. Машғулотнинг учинчи кунинда эса қайта тест натижалари 95,8 % ташкил этди. Бу албатта, яхши томонга ўзгариш. Чунки, маҳаллий ва хорижлик экспертлар томонидан тузилган ўқув қўлланмаси содда, ихчам кўринишда бўлиб, тингловчи-и тушунарли тартибда берилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Семинар-тренингнинг 4-5-кунларида тингловчилар олган билимларини умумлаштириб, турли мавзуларда мустақил тренерлик фаолиятини намойиш этдилар, — дейди Тошкент

тумани марказий шифохонасининг етакчи ҳамшираси, тренер Маъсуда Мирходжаева.

Ушбу семинар-тренингда қатнашиб, сертификат олган иштирокчилар эндиликда ўз иш-тироқчилар эндиликда ўз иш-тироқчиларга бориб, ҳамширалар учун махсус ўқув-семинарлари ташкил этадилар. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳамширалик иши жараёнидаги янги босқичлар, амалий кўникмалар, замонавий стандартлар асосида иш юритиш талаблари тўғрисидаги маълумотларни етказишдир. Чунки, бундай узлуксиз таълим қўндалик янгиликларни амалиётга олиб кириш талабини кучайтирмасдан, балки ҳамширалар касб малакасини бойитиш борасида ҳам амалий кўникмаларини оширади.

Катталар аудиториясида тренерлик қилиш масъулияти анча юқори. Чунки, мутахассислардан олган билимларимизни тажрибали ҳамкасбларимиз орасида татбиқ этиш, ҳаяжонимизни кучайтирди. Ҳамроҳим Матлуба Юсупованинг амалий қўлаги туфайли режадаги мавзунинг слайдлар, тарқатма материаллар орқали тушунарли раҳбарлик қилди. Бошида шовишдик, овозда ҳаяжон сезилди. Лекин тренерларимиз томонидан камчиликлар кўрсатилгач, ўз устимизда кўпроқ ишлаш кераклигини англаб етдик, — дейди Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош ҳамшираси Райҳона Мансурова.

(Давоми 6-бетда).

УШБУ СОҢДА:

ВЫ ГОТОВЫ К ОСЕННЕ-ЗИМНЕМУ СЕЗОНУ?

2-я стр.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИНГ
КАФОЛАТЛИ
АСОСИ

3-бет

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ —
САМАРАДОРЛИК
МЕЗОНИ

5-бет

Медиафорум
РИВОЖЛАНИШ ВА
ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ЯНГИ ИСТИҚБОЛИ

7-бет

Азиз устозлар! Касбий байрамингиз муборак бўлсин!

Проверка

ВЫ ГОТОВЫ К ОСЕННЕ-ЗИМНЕМУ СЕЗОНУ?

Информация о ходе подготовки учреждений здравоохранения к работе
в осенне-зимний период 2008-2009 годов

Вот и закончились теплые летние дни, и впереди нас ждет дождливая осень, а затем холодная зима. Следуя поговорке, карету готовят зимой, а сани – летом, перед всеми нами стоит актуальный вопрос – насколько хорошо мы готовы к наступающему отопительному сезону. И в поиске ответа на этот вопрос мы обратились к начальнику Управления комплексной эксплуатации Министерства здравоохранения Республики Узбекистан Баходиру Тиркашевичу Эргашеву.

Итак, анализ прошедшего отопительного сезона показал, что работы по подготовке к нему в подавляющем большинстве учреждений были проведены на должном уровне. Прежде всего нужно отметить, что, несмотря на сильные морозы, в прошедший отопительный период большинство ЛПУ функционировали в рабочем режиме. Всего в 0,6% объектов были выявлены случаи несоблюдения теплового режима.

Тем не менее, где бывают плюсы, дело не обходится и без минусов. И, к сожалению, ежегодно с наступлением холодов имеют место некоторые случаи несоблюдения теплового режима и аварийные ситуации в отопительных системах больниц. В частности, установлены случаи размораживания системы отопления в детской больнице города Ангрена и городской больнице города Чирчика Ташкентской области, в областном онкологическом диспансере Самаркандской области, Касбинском РМО Кашкадарьинской области, Кумкурганском РМО Сурхандарьинской области, Пешкунском РМО Бухарской области и др. Основной причиной этих недостатков является халатность специалистов службы эксплуатации, со стороны которых не были приняты своевременные меры по сливу воды из системы отопления. В результате безответственности соответствующих специалистов и руководителей учреждения пришла в негодность система отопления всего учреждения. Для устранения последствий аварий были направлены огромные финансовые и рабочие ресурсы.

Проанализировав итоги прошедшего отопительного периода и в целях недопущения в будущем аналогичных нарушений, а также во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-880 от 29.05.2008 года "О подготовке отраслей экономики Республики Узбекистан к осенне-зимнему периоду 2008-2009 гг." Министерством здравоохранения издан приказ от 29.05.08 года №230 "О подготовке учреждений здравоохранения к отопительному сезону 2008-2009 гг.". Во всех учреждениях были подведены итоги прошедшего отопительного периода и разработаны планы мероприятий по подготовке к зиме с утвержденным графиком выполнения и назначением ответственных лиц. Создана рабочая группа Минздрава, выезд которой регулярно осуществляется во все регионы республики.

По состоянию на 20.09.08 г. из запланированных меропри-

ях РМО Сурхандарьинской области, в Чиракчинском РМО и в областном КВД Кашкадарьинской области. Не обслужены насосы для подкачки воды в Канликульском РМО Республики Каракалпакстан и в инфекционной больнице Камашинской РМО Кашкадарьинской области.

По подготовке наружной теплотрассы не завершён ремонт теплотрассы в Чимбайской РМО Республики Каракалпак-

не начат ремонт кровли в детской больнице г.Ангрена Ташкентской области, не завершён ремонт в пищеблоке Термезского РМО и административного отделения Шерабадского РМО Сурхандарьинской области, нуждается в ремонте кровля СУБ "Газган" Нуратинского района Навоийской области, СВП "Фергана" Арнасайского района Джизакской области, областной психиатрической больницы №2 Кашкадарьинской

деле одну из самых важных ролей играет топливо. Из запланированных 3 500 тонн по состоянию на 20.09.08 года со стороны ОАО "Апартак" для Наманганской области отгружено только 984 тонны (28%). Такая же ситуация сложилась в Сурхандарьинской области со стороны угольного разреза "Шаргунь", при плане Управления здравоохранения области 2 000 тонн, отгружено всего 223 тонны (11%).


По заготовке жидкого печного топлива Навоийским управлением здравоохранения из запланированных 35 тонн заготовлено 18 тонн. Заготовка жидкого топлива не произведена в Кызылтепинском РМО – 8 тонн и Нуратинском РМО – 9 тонн.

Если взглянуть в состояние благоустроенности территорий, и тут в глаза бросается неприятная картина. Не проведены мероприятия по уборке и благоустройству территории в областной глазной больнице Самаркандской области, в областном КВД Навоийской области, в республиканской психиатрической больнице г. Тахияташа Республики Каракалпакстан, в Пешкунском РМО Бухарской области, в Арнасайском РМО Джизакской области.


По итогам проверок во всех регионах были проведены внеочередные коллегии областных управлений здравоохранения, куда были приглашены все руководители учреждений здравоохранения. В результате обсуждений 4 ответственных руководителей были освобождены от занимаемой должности, 16 главным врачам РМО объявлены выговоры. По всем регионам подготовлены фотоальбомы со свидетельствами выявленных недостатков. Руководителями учреждений дано указание в недельный срок ликвидировать все выявленные недостатки и предпринять, что при повторном выявлении подобных нарушений будет рассмотрен вопрос о соответствии их занимаемой должности.

Следует отметить, что установленный Минздравом жесткий контроль над выполнением намеченных мероприятий на местах дает свои позитивные результаты. В частности: в течение десяти дней большинство ранее выявленных недостатков было устранено, практически во всех учреждениях оформлены акты готовности с привлечением соответствующих служб, произведена заготовка необходимого количества строительных материалов для устранения аварийных случаев, проведены мероприятия по уплотнению оконных и дверных рам, со стороны руководителей учреждений представлены гарантийные письма о готовности объектов к зиме.

Безотлагательной проблемой сегодняшнего дня является срочное завершение всех подготовительных мероприятий для обеспечения бесперебойного функционирования лечебно-профилактических учреждений в отопительный сезон. Оперативным штабом необходимо организовать непрерывный контроль над эксплуатацией учреждений в зимних условиях, наладить ежедневную связь с центральным штабом при управлении здравоохранения области. Все руководители медицинских учреждений должны устранить данные минусы. Ведь медицинские учреждения ведут свою деятельность для оздоровления населения. А для качественного лечения от различных болезней должны быть созданы все необходимые условия. Так создадим эти условия для нашего народа.



На снимках: (сверху) прежнее состояние теплотрассы Бухарской филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи; (снизу) нынешнее состояние.



На снимках: (сверху) прежнее состояние теплотрассы Центральной больницы Алтымарьинского района Ферганской области; (снизу) нынешнее состояние.

ятий выполнены: капитальный ремонт теплотрасс 28,9 км (100%), текущий ремонт теплотрасс 35,5 км (100%), капитальный ремонт сетей водопровода 20,8 км (100%), текущий ремонт сетей водопровода 23,4 км (100%), капитальный ремонт котельных 32 ед. (100%), текущий ремонт котельных 301 ед. (102%), капитальный ремонт котлов 79 ед. (100%), текущий ремонт котлов 342 ед. (100%), капитальный ремонт больницы 57 ед. (88%), текущий ремонт больницы 223 ед. (98%), изоляция теплотрасс 19,1 км (100%).

Заготовлены 26 561 тонна угля (86%) и 525 тонн жидкого печного топлива (102%).

Однако проведенная аппаратом Минздрава контрольная проверка хода готовности объектов к отопительному сезону, показала, что, несмотря на все принятые меры, остаются не завершены ряд мероприятий, которые указаны ниже.

По подготовке отопительных котлов и котельного оборудования не завершён капитальный ремонт двух котлов в Папском РМО и ремонт здания котельной в районной больнице Тергачи в Касансайском районе Наманганской области. Не завершены ремонтные работы в котельных СВП «Бахмал» Бахмалского района и РМО Джизакского района Джизакской области, в РМО «Хужабад» Андиганской области, в СВП «Богимуса» Пешкунского района и в отделении скорой медицинской помощи Алатского района Бухарской области. Не готовы к отопительному сезону отопительные котлы в инфекционной больнице Ромитанского района Бухарской области, в Кумкурган-

стан, не восстановлена изоляция теплотрасс в РМО «Баликчи» и «Мархамат» Андиганской области, Касансайской поликлинике Наманганской области, РМО «Томди» и в областном КВД Навоийской области, СВП «Абдулжаббаров» Пахтакорского района Джизакской области, Кушрабадском РМО и в областном онкологическом диспансере Самаркандской области, в ЦГБ города Чирчика, детской больнице города Ангрена Ташкентской области, в Янгирском ЦГБ и Сардобинском РМО Сырдарьинской области, родильном отделении Гиждуванского района и в многопрофильной поликлинике Каракульского района Бухарской области, в инфекционной больнице Камашинской РМО и детской больнице Китабской РМО Кашкадарьинской области.

По подготовке внутренних инженерных коммуникаций не начаты ремонтные работы больницы инженеров коммуникаций в Кушрабадском РМО Самаркандской области, не завершён ремонт системы отопления в Центральной поликлинике Учкурганского РМО Наманганской области, в родильном отделении Шерабадского РМО Сурхандарьинской области, в ферганском филиале РНЦЭМП. Медленными темпами ведутся работы по восстановлению случаев размораживания систем отопления в ЦГБ города Чирчика и детской больницы города Ангрена Ташкентской области, в областном КВД и областной психиатрической больнице Кашкадарьинской области.

Нуждается в ремонте кровли Нукусское РМО и Республиканская туберкулезная больница №3 Республики Каракалпакстан,




Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Альянси

2008 й.
№ 9

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли
«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш
тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор ижроси амалда:
Марғилон ва Тошкент шаҳри

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПҚ-2107-сонли «Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосан аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида бирламчи бўлган эътибор кучайтирилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари томонидан самарали ишлар олиб борилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, республика тиббиёт тизимида фаолият юритаётган 3000 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларининг аҳолига кўрсатаётган тиббий хизматлари бунга мисол бўла олади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича шаҳар модели жорий этилди. Ушбу мақсадли дастурларни амалиётга татбиқ этиш, аҳоли манфаатдорлигига эришиш орқали сифатли хизмат турини кенгайтириш йўлида олиб борилаётган фаолиятларни кўздан кечириш мақсадида тахририят ходимлари Фаргона вилояти, Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли бўлган оилавий поликлиникаларда бўлиб, у ерда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар билан танишиб қайтдилар.



АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИНГ КАФОЛАТЛИ АСОСИ

Муруватхон АЗИМОВА, Марғилон шаҳар тиббиёт
бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиниканинг
умумий амалиёт шифокори:



– Аввало, давлатимизнинг бизга яратиб бераётган шароит ва имкониятларидан фойда олиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича муассасамиз оилавий поликлиника мактабига олиб, фаолиятимизда туб ўзгаришлар бўлди. Тиббиёт муассасамиз мукаммал таъмирдан чиқарилиб, «Саломатлик» лойиҳаси бўйича янги тиббий асбоб-ускуна, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг баробарида шифокорларимиз лойиҳа дастури асосида 10 ойлик ўқув курсида

тахсил олишиб, бугунги кунда умумий амалиёт шифокори мутахассислиги бўйича фаолият олиб бормоқдалар. Оилавий поликлиникамиз ҳудудида 45751 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга муассасамизнинг 24 нафар шифокорлари тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. 2006 йилда Андижон тиббиёт институтининг умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш ўқув марказида «Саломатлик» лойиҳаси асосида 10 ойлик ўқув курсида ўқиш, билим ва тажрибаларини бойитиб қайтишга муяссар бўлдим. Ўқиш давомида менга маъқул бўлган томони 2 ҳафта ўқишда бўлсак, 2 ҳафта давомида иш жойимизда фаолиятимизни давом эттирдик. Демокчиманки, назария билан амалиётнинг бирлиги аҳолига кўрсатаётган

тиббий хизматларимизни самарали ўтишида муҳим ўрин эгаллади. Мамнунят билан айтишми жоизки, бу ўзгаришлардан сўнг ҳар бир оиланинг тиббий паспорти ташкил этилган бўлиб, умумий амалиёт шифокори биргина бемор учун эмас, балки оила аъзоларининг соғлиғига ҳам бирдек қараб боради. Муассасамизда шу нарсани ташкил қилдики, шифокорлар фаолиятини 7 бригадага бўлдиқ. Ҳар битта бригадада 4 та гуруҳ бўлиб, унда 4 нафар врач ҳамда 8 нафар ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Айтиш жоизки, мазкур бригаданинг иккитаси муассасамизга узоқ бўлган ҳудудларга бириктирилган. Улардан биттаси диагностика марказимиз, шунингдек, иккинчиси эса «Янгибоб» маҳалласи фуқаролар йиғинининг ичида жойлашган. Аҳоли билан ишлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда биргина биз эмас, балки жамоат ташкилотлари ҳам биз билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Айниқса, «Янгибоб» маҳалласи фуқаролар йиғини билан биргаликдаги фаолиятларимиз туфайли аҳоли орасида касалликларнинг олдини олишда яхши натижаларга эришмоқдамиз. Ҳар чоршанба кунги мазкур маҳаллада аҳоли билан долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказиб тураемиз. Шу ўринда эътироф этишим кераки, патронаж ҳамшираларининг меҳнатлари қатта бўлмоқда. Юқоридаги фикрларимнинг тасдиғи сифатида айтмоқчиманки, халқимиз соғлигини сақлаш учун ҳаммамиз бирдек маъсулмиз.




Замонавий лаборатория технологияларида ишлаш мутахассисдан билим ва амалий кўникма талаб этади.

Муфаззал ВАҲОБОВА,
2-оилавий поликлиника лаборанти:

– Кўриб турганингиздек юқоридаги лаборатория асбоб-ускуналарида ишлаш ҳар бир мутахассисдан масъулият, билим ва тажриба талаб этади. «Саломатлик» лойиҳаси томонидан берилган мазкур лаборатория жиҳозлари ишларимизни энгиллаштириш десам хато қилмаган бўламан. Олдинлари мурожаат қилиб келган фуқаролар навбат қутиб, тахлилий натижаларни бир неча кундан кейин олишар эди. Эндilikда эса ушбу замонавий лаборатория асбоб-ускуналари ёрдамида клиник ва биохимиявий натижаларни тезда чиқариб бериш имкониятига эга бўлаемиз. Фаолиятимиз давомида яратилган шароит ва имкониятлар билан бир қаторда ишлашимиз учун реактивлар

доимий мавжуд. Кун давомида 30-35 нафарга яқин беморларни қабул қиламан. Бу ўринда таъкидлашим жоизки, санитария-гигиена қоидалари ҳамда меъёрий талабларга риоя қилиш жуда зарур. Бунинг учун албатта, ушбу йўналишни чуқур тушушган ҳолда иш олиб бормаса, қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Аввало мутахассис ўз устида ишлаш ва белгиланган муддатда малака ошириб бориши муҳим. Юқоридаги янги аппаратлардан оқилона фойдаланишим учун махсус ўқув курсларида тахсил олиб, малакамни бойитиб қайтдим. Мақсадим, бунданда самаралироқ ишлаб, янги технологиялардан оқилона фойдаланишдир.

(Давоми 4-бетда).



«Саломатлик - 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустахкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health - 2»
«Women and Child Health Development and National flour fortification program» Projects
Проект «Здоровье - 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



Марғилон шаҳри, «Янгибоб» маҳалласи фуқаролар йиғини фаоллари 2-оилавий поликлиника ходимлари билан келгуси режалар хусусида суҳбатлашишмоқда.

Эркин АХУНОВ,
Марғилон шаҳар, Янгибоб маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

– Инсон соғлиги ва унинг манфаатлари давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири экан, бу албатта, маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳам катта масъулият юклайди. Кейинги пайтларда маҳалла ва унинг фаолиятига давлатимиз томонидан эътибор кучайтириб келинмоқда. Шундай экан, аҳолининг тинч ва осойишта яшашида, меҳроқибатли бўлишида маҳалланинг ўрни катта. Айтишим жоизки, фаолиятим давомидида аҳоли билан ҳамкорликда фикр юритиб, маслаҳатлашиб иш тутганимизда, ўша ерда инсонларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат ва меҳрибончиликларига гувоҳ бўлдим. Маҳалламиз ҳудудда 6 минг аҳоли истиқомат қилса, уларнинг барчаси иш билан таъминланиб, ўз юмушлари билан машғул. Тўғриси айтганда бу биргина маҳалла фуқаролар йиғинининг меҳнати билан эмас, балки биз билан ёнма-ён туриб ҳамжиҳатликда иш олиб бораётган жамоат ташиқлотларининг ҳам хизматларидир. Айниқса, аҳолимиз соғлигини сақлашда 2-оилавий поликлиника билан олиб бораётган ишларимиз ўзининг самарасини берапти. Улар билан йиллик режалар тузиб, аҳоли орасида касалликларнинг олдини олишда долзарб мавзуларда йиғилишлар ўтказиб келмоқдамиз. Шунингдек, ҳар чоршанба куни муассаса мутахассислари ҳамкорлигида инсон соғлигига боғлиқ бўлган муҳим масалалар, беморларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда уларнинг тиббий саводхонлигини оширишга бағишланган давра суҳбатларини олиб борамиз. Дарҳақиқат, инсон соғлиги ва унинг манфаатлари учун масъул эканмиз, бу борадаги ишларимизни давом эттириб, жамият равақи учун астойдил меҳнат қиламиз.

Эътиборхон МИРЗАЕВА,
4-оилавий поликлиника бош шифокорининг ўринбосари:

– Муассасамиз ҳудудда 19500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 12 нафар врач, 36 нафар ҳамшира сифатида тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Оилавий поликлиникамизда ушбу мақомни олгандан сўнг 5 нафар шифокоримиз «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида 10 ойлик ўқув курсида ўқиб, айни кунда фаолият олиб боришмоқда. Бундан ташқари, ҳамшираларимиз ҳам лойиҳа дастури асосида ўз билим ва тажрибаларини ошириб кайтидилар.

34 йиллик фаолиятим давомидида тиббиётда бу қадар тезкорлик билан катта ўзгаришлар бўлмаган эди. Кейинги 4-5 йил давомида тизимдаги ислохотлар жараёни такомиллашиб кетдики, замонавий тиббиёт муассасаларининг бунёд этилаётганлиги, янги технологияларнинг килириб келиши, кадрларнинг малакасини ошириш ишлари жадаллашганлиги тиббиётимизни бошқа давлатлар тараққиётидан ўрин олаётганлигидан фойдаланса арзийди.

Мақсадимиз муштараклиги инсонлар саломатлигини сақлаш экан, бу борада ёш мутахассисларимизни янада масъу-

Ўз вақтида олинган
физיותרпия муолажалари
соғлом ҳаёт кечиришнинг
гарови ҳисобланади.

лият ва салоҳият билан ишлашлари айтиш кунинг асосий талабидир деб биламан. Шунинг учун ҳар бир тиббиёт ходими узлуқсиз таълим жараёنларини ўз вақтида давом эттириб, тиббий кўникмаларини бойитиб борагани, аҳоли билан ишлаш осон кечади.

Оилавий поликлиникамиздаги фаолиятларни янада жадаллаштириш мақсадида ходимларимиз учун керакли шaroит ва имкониятлар мавжуд. Бунинг учун фақатгина чин дилдан ишлаб, аҳолининг тиббиётда бўлган ишончини янада орттиришимиз зарур деб ўйлайман.

Марғилон шаҳри

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИНГ КАФОЛАТЛИ АСОСИ

Санобар АҲМАДАЛИЕВА,
1-оилавий поликлиника ҳамшираси:

– Касбимни доимо ардоқлаб келганман. Чунки, фаолиятим давомида кўпроқ аҳоли билан ишлайман. Айни кунда ҳамширанинг врачолди қўруви бўйича меҳнат қилар эканман, қабулимга келаётган беморларнинг врачгача бўлган касаллик тарихини аниқлаб, керакли ёрдам ва тавсияларимни бераман. Фаолиятим давомида бир неча бор билим ва тажрибаларимни ошириш мақсадида малака-кўникмаларимни бойитиб кайтдим. Аввало, Юртбошимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик» лойиҳаларининг бизга кўрсатаётган ғамхўрлик ва имкониятлари учун ўз миннатдорчилигини билдириб қоламан.



Тўпахон ая РЎЗИМАТОВА,
Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси:

– Мана 3-4 йилдики, оилавий поликлиникадан хонадонимизга келаётган ҳамшира ва шифокорларнинг меҳнатидан жуда мамнунмиз. Айниқса, оила врачимиз Манзура Қаюмова ва ҳамширамиз Севара Қорабоеваларнинг оила аъзоларимиз соғлигидан тез-тез хабар олиб туришлари ҳамда керакли маслаҳатларини ўз вақтида беришлари болаларим, келинларим ҳамда набираларим орасида касалликларнинг олдини олишда қўл келмоқда. Яна шунини айтмоқчиманки, уларнинг муомаласи, ўзларини тута билишлари, бизга бўлган ҳурмати ва меҳрибонликларидан доимо хурсанд бўлиб кетамиз. Гоҳида кеч бўлсада уларни чақиршишга мажбур бўламиз. Дарҳол етиб келишиб, биринчи ёрдамини кўрсатишади. Гўёки улар кириб келиши билан дардимиз енгиллашгандек бўлаверади. Бахтимизга ана шундай қаққон, меҳрибон шифокор ва ҳамшираларимиз бор бўлишин.



Оила шифокорининг хонадонларга кириб бориши каттаю кичикнинг тиббиётга бўлган ишончини янада орттирмоқда.

Абдуманноп ҲОШИМОВ,
6-оилавий
поликлиниканинг умумий
амалиёт шифокори:

– Ҳеч бир кун йўқки, тиббиёт ходимига муҳожаат қилмасак. Гар касал бўлмасакда, шифокордан ёки ҳамширадан қандайдир маслаҳат оламиз. Демокчиманки, инсон ҳаётини тиббиётсиз тасаввур этиш қийин. Бу фикрларни келтиришимдан асосий сабаб, 33 йиллик фаолиятим давомида тиббиётнинг чуқур фан эканлигига амин бўлдим. Фахр билан айтиш жоизки, республика тиббиёт тизимида кейинги пайтларда катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса, Юртбошимизнинг бирламчи бўғинга бўлган эътибор ва ғамхўрликлари бугунги кунда ўз ифодасини топаётганлигини эътироф этиш ўринли. Оилавий поликлиникамиз мазкур мақомага эга бўлгандан сўнг ишлар янада жадаллашиб кетди. Муассасамиз мукамал таъмирдан чиқарилди, «Саломатлик» лойиҳаси дастури асосида умумий амалиёт шифокорлари ўқитилди ва ўқитилмоқда. Шунингдек, лойиҳа томонидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар берилди, бунинг баробарида эса мутахассисларимиз орасида



Бола дардини англаб етишда шифокорининг ширин сўзи, қолаверса, касбий маҳорати асосий ўрин тутди.

узлуқсиз таълимни давом эттириш мақсадида ўқув хонаси ташкил қилинди. Амалиётдаги тажрибам мисолида шунини айтмоқчиманки, аҳолининг тиббиётга ва мутахассисларга бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Оилавий поликлиникамиз ҳудудда 28179 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 20 нафар врач, 68 нафар ҳамшира хизмат кўрсатади. Шулардан 16 нафари умумий амалиёт шифокорла-

ри. Муассасамиз асосан 500 қатновга эга. Жамоамиз ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлар тўғрйли аҳоли орасида юқумли касалликлар, шунингдек, мавсумий касалликларни камайтиришга эришмоқдамиз. Лекин, амалга оширишимиз керак бўлган ишлар жуда кўп. Бунинг учун ҳар биримиз ўз устимизда мукамал ишлаб, билим ва тажрибаларимизни ошириб боришимиз муҳим деб ўйлайман.

Биз Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфидида 1-, 2-, 4-, 6-оилавий поликлиникаларнинг кундалик фаолияти билан танишиб қайтар эканмиз, мазкур қарор асосида амалга оширилаётган ишлар самарали натижалар бераётганлигини гувоҳи бўлдим. Таъкидлаш жоизки, юқорида айтиб ўтилган оилавий поликлиникаларнинг мукамал таъмирдан чиқарилганлиги, давр талаб этганидек умумий амалиёт врачлари билан таъминланиши, шунингдек, замонавий технологиялар билан жиҳозланганлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамшираларнинг иш жараёнларини кузатганимизда, фаолиятлар бир маромда давом эттирилаётганлиги, шунингдек, улар хизматидан аҳоли мамнун

бўлаётганлигини кўрдик. Лекин шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, оилавий поликлиникаларнинг янги мақом бўйича иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Демокчимизки, «Саломатлик» лойиҳаси асосида ўн ойлик ўқув курсида тахсил олган умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамшираларнинг олган билим ва тажрибалари аҳоли учун ўз маҳсулини бериши муҳим деб ўйлаймиз. Бунинг учун мутахассислар ўз устида ишлаб, узлуқсиз таълимни давом эттиришлари, бунинг баробарида эса янги технологиялар билан ишлашда билимий кўникмаларга эга бўлишлари ва ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланган ҳолда самарали фаолият юритсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Тошкент шаҳри

Республика аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда шахар оилавий поликлиникаларининг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, оила шифокори ва оила ҳамширасининг узлуксизлик тамойилига асосланган фаолияти аҳоли билан тиббиёт ходимлари ўртасидаги ишончли ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Қайсики бир оилавий поликлиникада бўлмган, у ердаги шарт-шароит, имконият, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» лойиҳаси ва бошқа ҳоимийлик кўмағида қилинган ишларни кўриб, кўнглингиз тўлади. Айниқса, оила шифокори ва ҳамшираси учун яратилган зарурий қулайликлар, аҳоли билан яқин ҳамкорликдаги фаолиятлар эътиборимизни ўзига тортди.

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИАТ – САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Барно ОДИЛОВА,
23-оилавий поликлиника
бош шифокор ўринбосари:

– Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини чуқурлаштириш ва малакали хизмат турини кенгайтириш мақсадида 2005 йил поликлиникамизнинг 24 нафар ходими Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик» лойиҳаси доирасида Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида 10 ойлик ўқув курсини тамомлаб, ҳалқаро сертификатга эга бўлди. Ундан ташқари, оила шифокорлари билан бир қаторда 48 нафар оила ҳамшираси ҳам тайёрланди. Муассасамизда аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини сифатли кўрсатиш мақсадида замонавий текширув лаборатория (фотокалориметрия) жиҳозлари, функционал диагностика (УЗИ, ЭКГ, ЭХОЭГ), кичик хирургик амалиётларда қўлланиладиган зарурий

тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди ва айни кунда халқимиз бу имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқда. Поликлиникамиздаги ҳар бир оила шифокори ва ҳамшираси махсус офисига эга бўлиб, хоналар тўрт қисмдан иборат, булар: қабулхона, болалар, катталар ва аёллар кўриқхоналаридир. Ушбу хоналар «Саломатлик» лойиҳаси доирасида керакли каттиқ-юмшоқ жиҳозлар, текширув аппаратлари билан таъминланган. Ундан ташқари, оила шифокорлари аҳоли тўғрисидаги маълумотларни электрон вариантда компьютерда жамлаб борадилар. Бу эса аҳоли саломатлигини яхшилаш ва ўз вақтида назорат қилиш имкониятини беради. Энг муҳими, ҳудудимиздаги аҳоли ўзининг оилавий шифокорига эга бўлди. Эндиликда улар соғлиқлари билан боғлиқ муаммоларни бевосита оила шифокорлари ёрдамида ҳал этадилар.

Феруза МАГЗУМОВА,
23-оилавий поликлиника
оила шифокори:

– Оила шифокори фалсафасига кўра, у аҳолини уч тоифага бўлиб хизмат кўрсатади:

1. Ёши ва жинсидан қатъи назар, мутлақо соғлом аҳоли профилактикаси, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш.
2. Ёши ва жинсидан қатъи назар, сурункали, ўткир касалликларга чалинган аҳоли назоратга олиниб, соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш.
3. Ёши ва жинсидан қатъи назар, ногирон, сурункали касалликка чалиниб, доимий назоратга олинган аҳолида реабилитация тадбирларини ўтказиш, уларни тўлақонли жамият аъзосига айлантиришга эришиш.

Бу бизнинг кундалик иш фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил қила-

ди. Иложи борица аҳолининг барча қатлами биринчи тоифага айлантириш учун ҳаракат қиламиз. Жойларда маҳаллалар билан биргаликда санитария-тарғибот, тиббий маданият, касалликларга бағишланган ўрашувлар ўтказиб келамиз. Қувонарли томони, оила шифокори аҳолининг яқин ҳамкорига, ишонган тиббиёт ходимига айланиб қоларкан. Хонамизда иш телефони мавжуд бўлиб, аҳоли билан бевосита хабарлашиб, керакли маслаҳатларни бериб турамыз. Уларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказамиз. Ундан ташқари, ҳудудимизга тегишли бўлган аҳолининг касаллик-тарихи хонамиздаги шкаф жавонидида сақланади. Оила шифокори ва ҳамшираси учун яратилган бундай қулайлик бизни янада кенг қамровда фаолият юритишимизни, узлуксиз малака оширишимизни талаб этади.



СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиника ходимлари фаолиятдан лавҳалар.

Раъно НОСИРОВА,
60-оилавий поликлиника
бош шифокор ўринбосари:

– Ҳудудимиздаги 23000 аҳолига 14 нафар оила шифокори ва 28 нафар ҳамшира хизмат кўрсатади. Аҳоли учун бундай қулайликнинг мавжудлиги биринчи навбатда санитария-тарғибот ишларини кучайтиришга, иккинчидан ўткир ва юқумли касалликларнинг эрта олди олинишига, соғлом аҳоли қатлами кенгайишига асос бўлади. Чунки, умумий амалиёт шифокори ҳар бир оилага кириб боради, уларнинг руҳий, ижтимоий аҳолини ўрганади. Беморни текшириб кўриш, назорат қилиш учун «Саломатлик» лойиҳаси томонидан зарурий аппаратлар, танометр,

Дилфуза КАРИМОВА,
оила ҳамшираси:

– Уч йилдан буён ушбу поликлиникада оила ҳамшираси бўлиб ишлайман. Ҳар бир оила билан яқин ҳамкорликда ишлаш, уларнинг ижтимоий аҳолини ўрганиш, оила шифокори буюрган муолажаларни ўз вақтида бажариш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Аввал болалар ҳамшираси эдим. Эндиликда махсус курсни тамомлаб, оила ҳамшираси макомига эга бўлдим. Ҳудудимиздаги барча каттаю кичикни бирдек назорат остига олиб, улар соғлиқидан хабардор бўлиб борамиз. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги турли ўрашувларда қатнашамиз. Аҳоли ҳам соғлиқларига нисбатан масъулиятни ҳис қилиб, ўз вақтида шифокор назоратидан ўтадилар.

Ақида ИБРАГИМОВА,
пенсияер:


– Поликлиникамиздаги оила шифокори ва ҳамширалар меҳнатидан мамнунмиз. Чунки, уларни хоҳлаган пайт қаҳирсак этиб келишиб, керакли тиббий ёрдамларини кўрсатадилар. Ундан ташқари, улар оиламиздагиларнинг соғлигини назорат қилиш учун ҳам тез-тез хабар олишади. Авваллари, уйимизга болалар, катталар учун алоҳида шифокор келиб кетарди. Ҳозир эса битта оила шифокори ва ҳамшира. Келиним ҳомиладор бўлган пайтда ҳам улар кундалик аҳолини кузатиб борадилар. Ҳозир поликлиникага борсангиз барча шароитлар мавжуд. Лаборатория таҳлиллари бир зумда тайёрланади. Аҳолимиз оғир бўлса, кундузги стационарда этиб, физиотерапия муолажаларини оламиз. Бундан ортқ қулайлик бўлмаса керак. Шифокорларнинг берган ёрдами билан бирга уларнинг ҳшумуомалигини кўнглимизни тоғдек кўтаради. Ушбу муассаса ходимлари фаолиятдан нафақат мен, балки маҳалламиздагилар ҳам миннатдор эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Гулмира ҚОСИМОВА,
53-оилавий поликлиника
